1. Проанализировав практику и теорию наиболее развитых стран, можно заключить, что примирительные процедуры в науке гражданского процессуального права определяется: примирительная процедура – это добровольная деятельность сторон спора (конфликта), в том числе и третьего лица, содействующего примирению, направленная на ликвидацию спора (конфликта), которая осуществляется в судебном или внесудебном порядке, результатом которого становится выработка соглашения (мировое соглашение, медиативное соглашение, партисипативное соглашение)

2. Историю становления и развития примирительных процедур в гражданском судопроизводстве можно условно разделить на 3 этапа: первый этап – до революционный период; второй этап – период до независимости и третий этап – период независимости.

3. Примирительной является процедура, направленная на урегулирование спора, и может быть достигнута в результате использования определенных процедур. Признаками примирительной процедуры являются: 1) определенный порядок осуществления; 2) цель – урегулирование спора (разногласий); 3) стороны должны проявлять активное участие при этом; 4) инициатива использования и выбор конкретной примирительной процедуры зависит от сторон.

4. Изучая все критерии процедуры примирения, их можно условно разделить на следующие 4 вида: примирительные процедуры в досудебном этапе; внесудебные примирительные процессы; судебные примирительные



процедуры; примирительные процедуры в исполнительном производстве.

## **II. Предложения по совершенствованию законодательства**

5. Исходя из законодательной практики зарубежных стран и Республики Казахстан считаем целесообразным внести в Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан **статью 74<sup>1</sup>** следующего содержания:

### **«Статья 74<sup>1</sup>. Сведения, недопустимые в качестве доказательств.**

Сведения о фактах признаются судом недопустимыми в качестве доказательств, если они получены с нарушениями требований настоящего Кодекса путем лишения или ограничения гарантированных законом прав лиц, участвующих в деле, которые повлияли или могли повлиять на достоверность полученных сведений о фактах, в том числе:

1) с применением насилия, угроз, обмана, а равно иных незаконных действий;

2) с использованием заблуждения лица, участвующего в деле, относительно своих прав и обязанностей, возникших вследствие не разъяснения, неполного или неправильного их разъяснения этому лицу;

3) в связи с проведением процессуального действия лицом, не имеющим права осуществлять производство по данному гражданскому делу;

4) в связи с участием в процессуальном действии лица, подлежащего отводу;

5) с существенным нарушением порядка производства процессуального действия;

6) от неизвестного источника либо от источника, который не может быть установлен в судебном заседании;

7) с применением в ходе доказывания методов, противоречащих современным научным знаниям;

8) путем специального изготовления или изменения содержания в целях обоснования или опровержения доводов стороны или других лиц, участвующих в деле.

Недопустимость использования сведений в качестве доказательства при производстве по делу устанавливается по усмотрению суда или по ходатайству лиц, участвующих в деле.

Доказательства, полученные с нарушением закона, признаются не имеющими юридической силы и не могут быть положены в основу судебного решения, а также использоваться при доказывании любого обстоятельства, имеющего значение для дела.

Такие доказательства могут быть использованы при доказывании факта нарушений и виновности лиц, их допустивших.

В случае не урегулирования спора (конфликта) в порядке медиации доказательства, полученные судьей при проведении им медиации в суде, не могут быть им представлены судье, в производстве которого находится дело»;

6. ГПК Республики Узбекистан следует дополнить **статьей 166<sup>1</sup>** следующего содержания:

### **«Статья 166<sup>1</sup>. Заключение мирового соглашения**

Мировое соглашение может быть заключено на любой стадии судебного

разбирательства до удаления суда в совещательную комнату в судах первой, апелляционной, кассационной инстанций, а также при исполнении судебного акта.

Мировое соглашение не может нарушать права и законные интересы других лиц и противоречить закону.

Мировое соглашение утверждается судом».

7. ГПК Республики Узбекистан следует дополнить статьями следующего содержания:

**«Статья 169<sup>1</sup>. Недействительность мирового соглашения**

По заявлению лиц, участвующих в деле, а также лиц, права и законные интересы которых нарушены, мировое соглашение может быть признано судом недействительным:

если мировое соглашение содержит условия, предусматривающие ущемление прав и законных интересов третьих лиц;

при наличии иных оснований недействительности сделок, предусмотренных законодательством».

**«Статья 169<sup>2</sup>. Последствия признания мирового соглашения недействительным**

Признание мирового соглашения недействительным является основанием для возобновления производства по делу. О возобновлении производства по делу суд выносит определение, которое может быть обжаловано (опротестовано)».

**«Статья 169<sup>3</sup>. Урегулирования спора (конфликта) в порядке медиации**

Стороны вправе до удаления суда в совещательную комнату в судах первой, апелляционной, кассационной инстанций заявить ходатайство об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации.

Ходатайство сторон об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации может быть заявлено в суде кассационной инстанции, если это не требует дополнительных процессуальных действий и приостановления рассмотрения дела. Одновременно с ходатайством в суде кассационной инстанции стороны должны представить соглашение об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации.

При заявлении ходатайства о проведении медиации медиатором и представлении судам первой и апелляционной инстанций договора, заключенного сторонами с медиатором, производство по делу приостанавливается в соответствии со статьей 116 настоящего Кодекса на срок не более шестидесяти дней.

При заявлении ходатайства о проведении медиации судьей первой или апелляционной инстанции суд вправе приостановить производство по делу в соответствии со статьей 116 настоящего Кодекса на срок не более шестидесяти дней.

Для проведения медиации в суде первой инстанции дело передается другому судье.

По ходатайству сторон медиация может быть проведена судьей, в производстве которого находится дело.

Для проведения медиации в суде апелляционной инстанции дело передается, как правило, одному из судей коллегиального состава суда.

Судья, который проводит медиацию, назначает день проведения медиации и

извещает стороны о времени и месте ее проведения. Медиация в суде проводится в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О медиации» и с особенностями, установленными настоящим Кодексом.

По ходатайству сторон суд вправе отложить процедуру медиации в пределах срока, установленного частью третьей настоящей статьи, и вызвать на медиацию других лиц, если их участие будет способствовать урегулированию спора (конфликта).

Протокол проведения медиации в суде не ведется.

Если соглашение об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации заключено на стадии исполнения судебного акта, оно представляется на утверждение в суд первой инстанции по месту исполнения судебного акта или в суд, принявший указанный судебный акт».

#### **Статья 169<sup>4</sup>. Соглашение об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации и его исполнение**

Судья (состав суда), в производстве которого находится дело, проверяет содержание соглашения об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации и выносит определение о его утверждении и прекращении производства по делу.

Соглашение об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации, определение об утверждении этого соглашения должны соответствовать требованиям Закона Республики Узбекистан «О медиации» и статей 167, 168 настоящего Кодекса.

Если стороны не достигли соглашения в порядке медиации или условия соглашения судом не утверждены, разбирательство дела проводится в общем порядке.

Исполнение соглашения об урегулировании спора (конфликта) в порядке медиации, утвержденного судом, производится по правилам исполнения мирового соглашения, установленным статьей 168<sup>1</sup> настоящего Кодекса».

#### **«Статья 169<sup>5</sup>. Урегулирование спора в порядке партисипативной процедуры**

Стороны вправе до удаления суда в совещательную комнату по правилам, предусмотренным статьей 166 настоящего Кодекса, заявить ходатайство об урегулировании спора в порядке партисипативной процедуры.

Партисипативная процедура проводится без участия судьи путем проведения переговоров между сторонами при содействии урегулированию спора адвокатами обеих сторон».

#### **«Статья 169<sup>6</sup>. Соглашение об урегулировании спора в порядке партисипативной процедуры и его исполнение**

Судья (состав суда), в производстве которого находится дело, проверяет содержание соглашения об урегулировании спора в порядке партисипативной процедуры и выносит определение о его утверждении и прекращении производства по делу в соответствии со статьей 124 настоящего Кодекса.

Соглашение об урегулировании спора в порядке партисипативной процедуры, определение об утверждении соглашения должны соответствовать требованиям статей 167 и 168 настоящего Кодекса.

Если стороны не достигли соглашения в порядке партисипативной процедуры или условия соглашения судом не утверждены, разбирательство дела проводится в общем порядке.

Исполнение соглашения об урегулировании спора в порядке партисипативной процедуры, утвержденное судом, производится по правилам исполнения мирового соглашения, установленным статьей 168 настоящего Кодекса».

8. Исходя из законодательной практики зарубежных стран, считаем целесообразным Закон Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года №ЗРУ-482 «О медиации» дополнить **статьей 15<sup>1</sup>** следующего содержания:

**«Статья 15<sup>1</sup>. Обязательная медиация**

Обязательная медиация проводится по следующим основаниям:

по имущественно-правовым спорам, предмет которых в денежном выражении для юридических лиц не превышает двадцати, а в отношении граждан – пяти минимальных размеров заработной платы;

по спорам между соседями;

по делам о защите чести и достоинства, если нарушения не были совершены в прессе или радиоэфире;

по спорам, возникающим из гражданских, семейных, трудовых, жилищных, земельных и иных правоотношений».

9. Исходя из законодательной практики зарубежных стран, считаем целесообразным Закон Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года №ЗРУ-482 «О медиации» дополнить **статьей 29<sup>1</sup>** следующего содержания:

**«Статью 29<sup>1</sup>. Правовые последствия медиативного соглашения**

Медиативное соглашение по возникшему из гражданских правоотношений спору, достигнутое сторонами в результате процедуры медиации, проведенной без передачи спора на рассмотрение суда или третейского суда, представляет собой гражданско-правовую сделку, направленную на установление, изменение или прекращение прав и обязанностей сторон. К такой сделке могут применяться правила гражданского законодательства об отступном, о новации, прощении долга, зачете встречного однородного требования, возмещении вреда. Защита прав, нарушенных в результате неисполнения или ненадлежащего исполнения такого медиативного соглашения, осуществляется способами, предусмотренными гражданским законодательством».

**III. Предложения по судебной практике**

В целях обеспечения правильного и единообразного применения гражданскими судами норм Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан при применении примирительных процедур предлагается принять Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах применения гражданскими судами норм процессуального законодательства при применении примирительных процедур».

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕСЕНБЕКОВА ПАТИМА ТАНИРБЕРГЕНКЫЗЫ**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ФУҚАРОЛИК СУДЛОВИДА  
ЯРАШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.  
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Yu307 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Толибжон Абдуазизович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Раҳмонкулова Нилуфар Ходжиакбаровна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» апрелдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (916 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» мартда тарқатилди.

(2020 йил 18 мартдаги 19-рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор в.б.

**Д.Ю.Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлар номзоди,  
профессор

**Н.Ф.Имомов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда судда шахснинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш, фуқаролик муомаласи иштирокчилари орасидаги вужудга келадиган низоларни адолатли ва қонуний ҳал этиш, яраштириш тартиб-таомилларидан фаол фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнда судлар муҳим ўрин эгаллаб, улар фуқаролик-ҳуқуқий низолар иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизми ҳисобланади. Шу билан бирга яраштириш тартиб-таомиллари муҳим аҳамият касб этиб, иш юритишни сезиларли даражада осонлаштириш имконини яратмоқда. Фуқаролик ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикасидаги статистик маълумотларга кўра «2014 йилда 4665 та иш, 2015 йилда 7764 та иш, 2016 йилда 504 та иш, 2017 йилда 543 та иш, 2018 йилда 1120 та иш келишув битими билан иш юритуви тугатилган»<sup>1</sup>. Бу эса келишув битими ва бошқа яраштириш тартиб-таомилларини қўллаш самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўрганишни талаб этади.

Жаҳонда низоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал этишни таъминлаш, медиаторлар мақомини мустаҳкамлаш, низоларни ҳал этишда уларнинг иштирокини жадаллаштириш, фуқаролик судида ишни самарали ҳал этиш юзасидан зарур ҳуқуқий нормаларни белгилаш, яраштириш тартиб-таомиллари самардорлигини ошириш бўйича тадқиқотларни ўтказишга, келишув битимларини тузиш масалаларини тадқиқ этишга, партисипатив тартиб-таомилларни фуқаролик-процессуал тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик низоларини ҳал этишда яраштириш тартиб-таомилларини кенг жорий этиш, хусусан медиатив келишувларни тузиш, умуман олганда судда иш юритишни соддалаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмийчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, фуқаролик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш»<sup>2</sup> қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), «Банкротлик тўғрисида»ги (2003), «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги (2016), «Медиация тўғрисида»ги (2018) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 18 мартдаги 09/555-24-сон хати

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 12 мартдаги ПҚ–4236-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилларини қўллашнинг процессуал жиҳатларини тадқиқ этган Ўзбекистон Республикаси олимлари орасида Ш.Ш.Шорахметов, М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Ш.Н.Рўзиназаров, Э.Эгамбердиев, Ф.Х.Отахонов, Х.В.Бурханходжаев, Н.В.Лопаяева, С.А.Марипова, Т.Исаков, М.М.Мамасиддиқов, Ш.М.Масадиков, Д.Ю.Хабибуллаев, С.Иноятова, К.Авезов, Ф.Б.Ибраторова, О.Н.Нарзуллаев ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Ш.М.Масадиковнинг тадқиқотлари медиация моҳияти ва уни Ўзбекистонда ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларига, медиация тартиб-таомили босқичларига, хорижий тажрибага бағишланган<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикаси олимлари орасида В.Т.Конусова, З.Х.Баймолдина, Н.Ш.Кабарова, А.С.Рамазанова, Г.Н.Мусабаева, Ж.М.Джампеисова, И.Ж.Бахтыбаев, С.Айдарханов ва бошқаларнинг ишларида фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилларини қўллашнинг процессуал жиҳатларини тадқиқ этилган.

В.Т.Конусованинг тадқиқотлари фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг нодавлат тартиб-таомилларига, Қозоғистон Республикасида фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг нодавлат тартиб-таомилларини ривожлантиришнинг истиқболларига бағишланган<sup>2</sup>.

С.Пен Қозоғистон Республикаси жиноят суди иш юритувида медиацияни қўллашни тадқиқ этган<sup>3</sup>.

Фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилларини қўллаш муаммолари хорижий ва МДХ мамлакатлари олимлари орасида Adam M. Sargent, N.Alexander, J.Charles, L.Cadiet, I.Beyneix, A.K.Schneider, M.Cappelletti, A.Xavier, J.M.Winslade, R.Faulkner, C.J.Brown, E.Carroll, K.Mackie, A.H.Кузбагаров, О.С.Карпенюк, И.Ю.Захарьяцева, А.И.Зинченко, Д.Л.Давыденко, М.В.Гвоздарева, А.М.Абдрашитов, С.И.Калашников,

<sup>1</sup> Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент, 2008. – 284 с.

<sup>2</sup> Конусова В.Т. Негосударственные процедуры урегулирования гражданско-правовых споров. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Республика Казахстан. Астана. 2010. – С.149.

<sup>3</sup> Пен С. Медиация в уголовном судопроизводстве.: Автореф. дисс.. канд.юр.наук. – Караганда, 2006. – 48 с.



Ю.С.Колясников, С.В.Лазарев, М.Е.Медникова, Е.И.Носырева, Е.В.Пилехина, О.С.Черникова<sup>1</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилларини қўллаш бўйича алоҳида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014–2019) мавзусидаги илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилларини жорий этишнинг назарий ва амалий ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, фуқаролик судида ишни кўриш доирасида суд томонидан тарафларни яраштиришнинг асосларини яратиш, қонунчиликни ва уни қўллаш амалиёти такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яраштириш тартиб-таомилларини моҳиятини аниқлаш, яраштириш тартиб-таомиллари ва низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ўзаро фарқлаш;

яраштириш тартиб-таомилларини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларнинг принципларини ажратиш;

яраштириш тартиб-таомилларининг таснифларини таҳлил этиш, бошқа мезонларни аниқлаш ва яраштириш тартиб-таомилларининг янги таснифини яратиш;

Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигида қўлланиладиган яраштириш тартиб-таомиллари турларини тавсифлаш;

партисипатив тартиб-таомил тушунчасини ва унга бўлган назарий ёндашувларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси медиация институтини қўллаш муаммоларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш йўналишида фуқаролик процессуал қонунчилигидаги яраштириш тартиб-таомиллари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ҳуқуқий низоларни ҳал этиш мустақил усули сифатида яраштириш тартиб-таомилларини ташкиллаштириш ва уни қўллаш соҳасида, шунингдек уларни фуқаролик юрисдикцияси органлари фаолиятига тадбиқ этишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасида яраштириш тартиб-таомиллари юзасидан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Куйилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг умумфан ва махсус усулларидан, яъни тарихий, тизимли, аниқ социологик, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-анализ, мантиқий-юримдик, юримдик нормаларни моделлаштириш ва бошқа усулларидан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

фуқаролик-процессуал қонунчиликка яраштириш тартиб-таомиллари институтини жорий этиш лозимлиги асослаб берилган;

тарафларни яраштириш учун чоралар кўриш, уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашиш мажбуриятини судга юклаш лозимлиги исботланган;

келишув битими ва медиатив келишувни фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида ёзма шаклда тузиш мумкинлиги асосланган;

эр-хотинни яраштириш мақсадида ажрашиш тўғрисидаги ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкинлиги асослаб берилган;

эр-хотин ярашиши учун берилган муҳлатни қисқартириш суд томонидан эр ва хотинни хабардор қилган ҳолда ҳал этилиши лозимлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

фуқаролик процессуал қонунчиликда яраштириш тартиб-таомиллари тушунчаси ва уларнинг таснифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда партисипатив тартиб-таомил, низони партисипатив тартиб-таомил асосида ҳал этиш тўғрисидаги қоидаларни киритиш таклиф этилган;

чет эл амалиётидан келиб чиқиб, мажбурий медиация ва медиатив келишувни тузиш оқибатлари тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни киритиш асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига далил сифатида қабул қилинмайдиган маълумотлар тўғрисидаги нормани киритиш лозимлиги исботланган;

келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари ҳақидаги қоидалар ишлаб чиқилган;

медиация тартибида низони ҳал этиш тушунчаси ва унинг келишуви, мазкур келишувни амалга ошириш тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилган;

яраштириш тартиб-таомилни қўллашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси нормаларини фуқаролик судлари томонидан тўғри ва бир ҳилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Яраштириш тартиб-таомилларини қўллашда фуқаролик судлари томонидан процессуал қонунчилик нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилиги нормалари,

ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью шакллари асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги фуқаролик процессуал ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд, адвокатура фаолиятида ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида фуқаролик суд иш юритувида яраштириш тартиб-таомилини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон ва Қозоғистонда фуқаролик судловида яраштириш тартиб-таомилини масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги 17-боби номини ўзгартиришда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/2205-сон хати). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигида яраштириш тартиб-таомилини тушунчасини қонуний мустаҳкамлашга хизмат қилади;

суд тарафларни яраштириш учун чоралар кўриши, уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддаси биринчи қисмда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/2205-сон хати). Мазкур таклиф суднинг фуқаролик суд иш юритувидаги низо иштирокчилари – тарафларни яраштириш бўйича чораларни кўриш юзасидан мажбуриятини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

келишув битими ва медиатив келишув даъво тартибида юритиладиган ҳар қандай ишлар бўйича тузилиши мумкинлиги, уларни ёзма шаклда тузиш лозимлиги, суд томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддаси иккинчи-олтинчи қисмларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги 06-14/2205-сон хати). Мазкур таклиф Ўзбекистон

Республикаси келишув битими ва медиатив келишувини тузиш, тасдиқлашни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади;

эр-хотинни яраштириш мақсадида олти ойлик муҳлат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сон “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 15-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-69-19-сон далолатномаси). Мазкур таклиф суд томонидан эр-хотинни яраштириш бўйича чораларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

эр-хотинга ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сон “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 15-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПЛ-69-19-сон далолатномаси). Мазкур таклиф ажрашиш тўғрисидаги ишларни ҳар томонлама ва адолатли ҳал этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 4 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик процессида ярашув таомиллари институти» номли биринчи бобида мусулмон ҳуқуқидаги ярашув таомилларининг генезиси, тарихий босқичлари ва ривожланиши, ярашув таомилларининг фуқаролик ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш шакллари сифатида тушунчаси, белгилари ва хусусиятлари, Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилиги

бўйича ярашув таомилларини таснифлаш мезонлари ва турлари таҳлил қилинади.

Ўзбек ва қозоқ халқи, антик давр ва ўрта асрларда турли маданиятларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланган қадимий ва бой сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга. Муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик суд иш юритувида яраштирув таомилларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини шартли равишда 3 босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич – инқилобгача бўлган давр; иккинчи босқич – мустақилликгача бўлган давр ва учинчи босқич – мустақиллик даври.

*Инқилобгача бўлган даврда* Ўзбекистон, Қозоғистон ва бутун Ўрта Осиё халқларининг ҳуқуқий онги асосан шариат ва одат нормалари ва урф-одатлари билан белгиланар эди. Шариат нафақат диний тизим сифатида фаолият кўрсатган, балки жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётини қамраб олган ҳамда тарихий ва ҳуқуқий анъаналарга, инсонларнинг ахлоқий тасаввурларига ва турмуш тарзига чуқур таъсир кўрсатган институтлар мажмуасидан иборат бўлган.

*Мустақилликгача бўлган даврда* келишув битими тушунчаси ўша пайтда қабул қилинган барча РСФСР Фуқаролик процессуал кодексларида мавжуд бўлган, суд келишуви битими тушунчаси билан алмаштирилган, улар фақат суд тартибиде тузилган. Шу орқали қонун ҳужжатлари талабига биноан келишув битими институти суд томонидан тасдиқланадиган келишув битими деб қайта номланди, шу асосда иш юритиш тугатилган эди.

*Мустақиллик даврида* Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида, агар тарафлар келишув битими тузган ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса, суд иш юритишни тугатиши; 158-моддада ишни суд муҳокамасига тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битими тузиш мумкинлигини аниқлаб, унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, ушбу Фуқаролик процессуал кодекси келишув битимини тузиш тартибини, келишув битими мазмунини, келишув битимини тасдиқлаш ва келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тартибини белгиламаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январдаги ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган Фуқаролик процессуал кодексининг «Келишув битими» 17-боби келишув битимига бағишланган (166, 167, 168, 169-моддалар).

Шундай фикрни қайд этиш лозимки, биринчидан, барча ишлар бўйича ярашув тартиб-таомилларидан фойдаланиш мумкин эмас; иккинчидан, ярашув таомилдан фойдаланиш низони ҳал қилишга қаратилган, аммо бу мақсадга ҳар доим ҳам эришилмайди.

Диссертантнинг фикрига кўра, ярашув тартиб-таомилларининг моҳияти тарафлар ўртасидаги низони бирорта учинчи шахс (хаттоки у тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича танланган шахс бўлса ҳам) томонидан улар учун мажбурий қарор қабул қилиш йўли билан ҳал қилишда эмас, балки низодан чиқиш йўллари тарафларнинг ўзлари излашида.

Шу муносабат билан, муаллифнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда «ярашув таомиллари» тушунчаси, нафақат ҳуқуқий низо иштирокчиларини яраштиришнинг суд иш юритуви доирасидан ташқарида мавжуд бўлган

усулларини, балки унинг ичидаги мавжуд усулларни ҳам қамраб олади. «Ярашув таомиллари» тушунчасининг замонавий маънодаги мазмуни ҳам тарафларнинг низони ҳал қилиш бўйича суддан ташқари (судга қадар) ва суд (процессуал) фаолиятига тааллуқлидир.

Ярашув таомилининг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) амалга оширишнинг аниқ тартиби; 2) мақсад – низони (келишмовчиликни) ҳал этиш; 3) тарафлар бунда фаол иштирок этишлари керак; 4) келишув таомилдан фойдаланиш ташаббуси ва аниқ турини танлаш тарафларга боғлиқ. Энг аввало, ярашув таомилининг «мақсади» ва «натижаси» каби тушунчаларини аниқ ажратиш керак. Агар тарафлар келиша олмаган ёки низони ҳал қилиш учун бир томонлама ҳаракатлар қилмаган бўлса, ярашув таомили самарасиз деб белгиланиши мумкин. Аммо ярашув таомили ҳар доим ўз мақсади сифатида тарафларнинг келишмовчиликда ўзини тутиш услубини ўзгартиришни ва юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир этишни кўзлайди. Шу нуқтаи назардан, ярашув таомилининг мақсади унинг ажралмас муҳим хусусияти сифатида кўриб чиқилиши керак.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Қозоғистонда ярашув таомиларининг икки тури мавжуд – суд ва суддан ташқари.

Суд ярашув таомилларини таснифлаш вазифасини ҳал қилишда, аввало, бир саволни аниқ белгилаб қўйиш керак: биз унинг остида нимани тасаввур қиламиз, чунки ҳуқуқий адабиётларда суд ярашуви ваколатига нисбатан анча тор, аммо шу билан бирга кенг қамровли ёндашув мавжуд.

Диссертацияда низони ҳал қилишга қаратилган таомил ярашув таомили деб ҳисобланиши ҳақидаги фикр асослантирилган. Хорижда ярашув таомиллари низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари доирасида ишлаб чиқилади. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг замонавий ҳуқуқ тизимида «муқобил» тушунчасига низоларни судда ҳал қилиш чораларига кирмайдиган усуллар киради. Ярашув таомиллари орасида, хусусан, қуйидагилар қўлланилади: ярашув тарзида ижро этиш (консолидация), воситачилик (медиация), музокаралар ва бошқалар.

Диссертациянинг **«Фуқаролик суд юритувида ярашув тартиб-таомилларининг айрим турларини қўллаш ва уларни такомиллаштириш муаммолари»** номли иккинчи бобда хусусий-ҳуқуқий муомалада келишув битимининг фуқаролик процессуал моҳияти, низоларни фуқаролик суд юритувида партисипатив тартибида ҳал қилиш, фуқаролик суд юритувида музокаралар ярашув тартиб-таомили шаклларида бири сифатида таҳлил қилинган.

Диссертацияда таҳлил қилинишича, биринчидан, келишув битими фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан тузилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 166-моддаси 4-қисми). Келишув битимлари ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам, ишни судда мазмунан ҳал қилиш пайтида ҳам тузилиши мумкин. Процессуал-ҳуқуқий нуқтаи назардан, келишув битими фақат даъво иш юритувида фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичида бўлиши мумкин. Албатта, тарафлар фуқаролик суд юритувидан ташқарида ҳам келишув битимини тузиши мумкин, аммо унинг юридик мақсадларига – юзага келган

фукаролик-хукукий низони ҳал қилиш (судга ҳал қилиш учун ўтказилган), кўзғатилган даъво иш юритувини тугатиш ва ижро кучига эга бўлиш (мажбурий ижро этиш имконияти) – тўлиқ ҳажмда фақат суд томонидан келишув битимининг шартларини текшириш, уни тасдиқлаш (тегишли қарор қабул қилиш орқали) жараёнида эришилади.

Диссертация низолашаётган тарафлар суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида, яъни биринчи, апелляция, кассация, назорат ва якуний репродуктив босқичда келишув битимини тузиш тўғрисида келишиб олиш имкониятига эга эканлигини тасдиқлайди.

Апелляция ва кассация инстанцияларида, шунингдек биринчи инстанция судида диспозитивлик принципи амал қилади, шунга мос тарзда ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг моддий ва процессуал ҳуқуқларига эгалик қилишлари мумкин. Шундай қилиб, келишув битимини тузиш орқали низони ҳал қилиш имконияти нафақат ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ва биринчи инстанция судида суд муҳокамасида, балки суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш босқичларида ҳам аниқланиши керак.

Апелляция инстанциясида келишув битимини тузишда, баъзида биринчи инстанция судининг қарори устидан шикоят қилган тарафлар қарорнинг матнини келишув битимига қўшиб қўйиш ҳолати юзага келади.

Тарафлар ҳар қандай инстанцияда келишув битими тузиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли, қарор матнини келишув битимида акс эттиришга тўғридан-тўғри тақиқ йўқ, апелляция суди Ўзбекистон Республикасининг ФПК 166-моддаси 4-қисмига мувофиқ, агар бу қонунга зид бўлмаса ва бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмаса, бу каби битимни тасдиқлаши мумкин.

Ярашув тартиб-таомили натижаси сифатида ҳар қандай келишув битимининг мақсади келишмовчилик мавжуд вазиятни бартараф этиш, низонинг асл сабабларини ҳал қилишдан иборат. Бу ҳолатда эса келишув битими суд органининг ваколатли қарори негизида қурилади. Унда тарафлар ўзлари мустақил келишган фикрни эмас, балки учинчи шахс фикрини акс эттиради, бу эса кейинчалик келишувни ихтиёрий равишда ижро этиш имкониятини хавф остига қўяди. Аммо, агар биринчи инстанция судининг қарори унга қарши қабул қилинган тарафда уни ҳозир ижро этиш имконияти бўлмаса, агар тарафлар тўловни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида қўшимча келишиб олишса, апелляция судида, мазкур қарор асосида тузилган келишув битими ихтиёрий равишда ижро этилишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Келишув даъво тартибида юритиладиган ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 166-моддаси 3-қисми). Келишув битими тўғридан-тўғри соҳавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ва шунинг учун тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиниши мумкин бўлмаган масалалар бўйича тузилиши мумкин эмас.

Демак келишув битими ёзма шаклда тузилади ва келишувни тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан, уларда ишончномада ёки уларнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатда келишув битимини тузиш ваколати бўлганида имзоланади (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 166-моддаси 5-қисми).

Келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки

бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан тўлик ёки қисман воз кечиш ёхуд уни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 167-моддаси ва Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 176-моддаси).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, музокаралар ҳам келишув тартиб-таомилининг бир кўриниши сифатида ҳам, битим тузилганда амалга ошириладиган ҳаракатлар сифатида кўрилиши мумкин. Шунга кўра музокараларнинг иккита асосий мақсадини ажратиш мумкин: низоларни ҳал қилиш ва ҳамкорлик. Бунда ҳамкорликка йўналтирилган музокаралар кейинчалик тарафлар ўртасида келишмовчиликка айланиб кетиши мумкин бўлган низо вужудга келиши мумкинлигини истисно қилмайди. Шу билан бирга, рақиблар ўртасидаги келишмовчиликни ҳал қилиш кейинчалик ҳамкорликка айланиши мумкин.

Музокаралар – ҳамкорлик (ҳамкорлик мақсади бўлган музокаралар) ўзаро ён босишлар йўли билан мурасага эришиш мақсадидан иборат. Бундай музокараларда ҳар бир тараф бошқаларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда исталган нарсага эришмоқчи бўлади.

Муаллиф таъкидлаганидек, «партисипатив» тушунчаси масала, муаммо, низоли ҳал қилишда адвокатнинг фаол шахсий иштирокини англатади. Партисипатив жараён уч босқичдан (ёки даражадан) иборат:

биринчи босқич – даъво (низо, муаммо) бўйича низолашаётган тарафлар томонидан таклифлар бериш, бунда таклифлар ҳар икки тараф томонидан ҳам алоҳида, ҳам гуруҳ орқали ва биргаликда муҳокама қилиниши мумкин;

иккинчи босқич – бу мавжуд вазият (низо, даъво, муаммо) дан чиқиш йўли сифатида низолашаётган тарафлар томонидан муқобил йўллари ишлаб чиқиш;

учинчи босқич – низолашаётган тарафлар томонидан таклиф қилинган барча вариантлар ичида муқобилини танлаш.

Ишда хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб партисипатив тартиб-таомил тартибида низоли ҳал этиш тўғрисидаги келишувлар ҳақида асосланган таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ ярашув тартиб-таомилларининг янги шакли сифатида медиация» номли учинчи бобида медиация институтининг фуқаролик суд юритувидаги яраштириш тартиб-таомиллари тизимидаги ўрни ва принциплари, медиация турлари ва фуқаролик суд юритувида низоларни ҳал қилиш тартиби, медиация таомилини ўтказишда медиатор мақоми, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг процессуал қонунчилигида ярашувнинг самарадорлигини ошириш кўриб чиқилади.

Муаллифнинг фикрига кўра, медиация принциплари катта аҳамиятга эга эканлигига шубҳа йўқ. Биринчидан, улар медиациянинг келгусидаги ривожланишини белгилаб, медиация фаолиятини ўзини ўзи тартибга солиш учун асос ҳисобланади, шунингдек медиатор ёрдами билан тарафларнинг ярашиш институтини такомиллаштиришда қонун чиқарувчи учун йўналиш сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, принципларни ажратиш медиацияни юрисдикциядан ташқари мустақил фаолият тури сифатида алоҳида ажратиш, уни ташкил этиш,



юретиш қоидаларининг ўзига хослигини ҳамда ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг юрисдикция усулларига нисбатан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилашга имкон беради. Ниҳоят, медиация принциплари медиаторнинг тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал қилиш бўйича амалий фаолияти негизида ётади. Буларнинг барчаси медиация принципларини аниқлаш, тизимлаштириш ва ўрганишни тақозо этади. Медиация принциплари – дастлаб фаолият принциплари сифатида шаклланганлигини ҳисобга олиб, уларни шу тарзда кўриб чиқиш мумкин. Шундай қилиб медиация принциплари деганда фуқаролик суд юритувида ярашув тартиб-таомиллари сифатида медиацияни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари тушунилиши мумкин.

Медиаторга нисбатан, ихтиёрийлик принципи медиаторнинг исталган вақтда таомилга киришни рад этиш ва (ёки) таомилдан чиқиши ҳуқуқида акс этади. Назаримизда, бу ҳолатда ихтиёрийлик бетарафлик принципи ва медиаторнинг профессионаллиги талабларидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, агар низо медиация предмети бўлиши мумкин бўлса, медиатор ушбу тоифадаги ишларда (масалан, муайян медиация моделини талаб қиладиган оилавий низо) медиация ўтказиш учун етарли ваколатга эга бўлмаган ёки бетарафликни сақлаш имконсиз бўлган манфаатлар тўқнашуви юз берган ҳоллардан ташқари уни ҳал қилиш учун мурожаат қилган тарафларга ёрдам бериши шарт.

Медиатор тарафлар учун бир-бирининг талаблари моҳиятини ўта аниқ англаб этиши, ўз манфаатларини тушуниши, низо мазмунини тузиши ва келишувда эришиш муҳим бўлган жиҳатларни аниқлаши, мавжуд муаммоли вазиятдан чиқишнинг муқобил усулларини ишлаб чиқиши ва баҳолаши ҳамда охир-оқибат энг мақбул қарорни қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Ушбу вазифалар медиация жараёнининг алоҳида босқичларида бажарилади. Натижада медиаторнинг муайян ҳаракат алгоритми шаклланади, унинг асосий мақсади – тарафлар томонидан медиация битимининг тузилиши таъминланади.

Медиациянинг тарафлар томонидан қўлланишига қараб қуйидаги турлари ажратилиши мумкин: 1) ихтиёрий медиация ва 2) мажбурий медиация.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда қонун чиқарувчи томонидан ихтиёрий медиация концепцияси қабул қилинган. Қонун ёки суд томонидан ўрнатилган вооситачи иштирокидаги низони ҳал этишнинг мажбурий тартиби кўзда тутилган медиациянинг мажбурий тури Канада, Австралияда ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида, шу жумладан, Англия ва Германияда маълум.

Муаллиф томонидан медиация босқичларини кўриб чиқишда келтирилган ёндашувларни тизимлаштириш учун ушбу тартиб-таомилнинг учта турини ажратиш мумкин:

1) ёпиқ турдаги музокара, унинг моҳияти шундаки, медиаторнинг асосий иши (низо асосини (ҳақиқий манфаатлар) аниқлаш, муаммони қайта кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилишнинг тахминий вариантларини излашга ёрдам бериш) индивидуал (ёпиқ) сессияларда амалга оширилади. Ёпиқ турдаги музокара умумий ҳуқуқ мамлакатларида фаол қўлланилади;

2) очик турдаги музокарада медиатор ҳар икки тараф билан алоҳида ишлар олиб бормайди, барча таомиллар умумий музокара столи атрофида ўтказилади. Очик турдаги музокара баъзи Европа мутахассислари томонидан қўлланилади, Германияда анчагина кенг тарқалган.

3) аралаш музокара тури, унинг доирасида тарафлар келишув тузиш борасида ижобий тенденция пайдо бўлгунга қадар умумий музокара столи атрофида қолади. Фақатгина алоҳида ҳолатларда, қўшма музокараларни давом эттириш имконсиз ёки номақбул бўлганида, медиатор ҳар бир тараф билан алоҳида иш олиб бориши мумкин.

Диссертацияда аралаш медитация тури классик медиация модели билан биргаликда энг самарали бўлади деган хулоса қилинади. Бунда, медиация таомилида уч асосий босқични ажратиш таклиф этилади, уларнинг ҳар бири умумий мақсад билан бирлаштирилган процессуал ҳаракатлар мажмуидир, яъни: 1) музокарага тайёргарлик босқичи; 2) музокара босқичи; 3) назорат ва таҳлил босқичи.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик суд юритувида ярашув тартиб-таомилларига бағишланган илмий тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

### **I. Илмий-назарий таклифлар**

1. Энг ривожланган мамлакатларнинг амалиёти ва назариясини таҳлил қилиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида ярашув тартиб-таомилларини қуйидагича белгилаш лозим деган хулосага келинди: ярашув тартиб-таомиллари – суд ва суддан ташқари тартибда амалга ошириладиган ҳамда низони бартараф этишга қаратилган низонинг тарафлари, шунингдек учинчи шахс томонидан амалга ошириладиган ва натижаси келишув (ярашув келшуви, медиатив келишув, партисипатив келишув) ишлаб чиқиш ҳисобланадиган ихтиёрий фаолият.

2. Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролик суд иш юритувида яраштирув таомилларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини шартли равишда 3 босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич – инқилобгача бўлган давр; иккинчи босқич – мустақилликкача бўлган давр ва учинчи босқич – мустақиллик даври.

3. Ярашув таомили, низони ҳал қилишга қаратилган ва муайян тартиб-таомиллардан фойдаланиш натижасида эришиш мумкин бўлган таомил ҳисобланади. Ярашув таомилининг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) амалга оширишнинг аниқ тартиби; 2) мақсад – низони (келишмовчиликни) ҳал этиш; 3) тарафлар бунда фаол иштирок этишлари керак; 4) келишув таомилдан фойдаланиш ташаббуси ва аниқ турини танлаш тарафларга боғлиқ.

4. Ярашув тартиб-таомилларининг барча мезонларини ўрганиб, уларни шартли равишда қуйидаги 4 турга ажратиш мумкин: судга қадар босқичда ярашув тартиб-таомиллари; суддан ташқари ярашув тартиб-таомиллари; суддаги ярашув тартиб-таомиллар; ижро ишини юритишда ярашув тартиб-таомиллар.

### **II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар**

5. Хорижий мамлакатлар ва Қозоғистон Республикаси қонунчилик амалиётидан келиб чиққан ҳолда ФПКни қуйидаги мазмундаги **74<sup>1</sup>-модда** билан

тўлдириш:

**«74<sup>1</sup>-модда. Далил сифатида номақбул бўлган маълумотлар**

Башарти, фактлар тўғрисидаги маълумотлар, ушбу Кодекс талабларини бузган ҳолда ишда иштирок этаётган шахсларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклаш йўли билан олинган бўлиб, фактлар бўйича олинган маълумотлар ишончлилигига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлса, суд томонидан далил сифатида номақбул деб тан олинади, жумладан, улар:

1) зўрлик, қўрқитиш, алдов ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатларни қўллаш билан;

2) ишда иштирок этаётган шахснинг, ушбу шахсга ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтирмаслик, тўлиқ ёки нотўғри тушунтириш натижасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятарига нисбатан янглиш тасаввуридан фойдаланиш;

3) ушбу фуқаролик иши бўйича процессуал ҳаракат ишни юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ўтказилиши муносабати билан;

4) рад этилган шахснинг процессуал ҳаракатда иштирок этиши муносабати билан;

5) процессуал ҳаракатни юритиш тартиби жиддий бузилган ҳолатда;

6) номаълум манбадан ёки суд мажлисида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

7) исботлаш жараёнида замонавий илмий билимларга зид бўлган усулларни қўллаган ҳолатда;

8) тарафнинг ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг далилларини асослаш ёки рад этиш мақсадида уларнинг мазмунини махсус равишда тайёрлаш ёки ўзгартириш орқали.

Ишни юритиш бўйича маълумотлардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, суднинг хоҳишига кўра ёки ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосига мувофиқ белгиланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллар, юридик кучга эга эмас деб тан олинади ва суд қарорининг асоси сифатида қабул қилиниши, шунингдек иш учун муҳим бўлган ҳар қандай вазиятни исботлашда фойдаланилиши мумкин эмас.

Бундай далиллардан қонун бузилиши ҳолатини ва уларга йўл қўйган шахсларнинг айбдорлигини исботлашда фойдаланиш мумкин.

Агар низо (келишмовчилик) медиация тартибида ҳал қилинмаса, судья томонидан медиацияни ўтказиш пайтида олинган далиллар, иш юритувида бўлган судьяга тақдим этилиши мумкин эмас».

6. ФПКни қуйидаги мазмундаги **166<sup>1</sup>-модда** билан тўлдириш:

**«166<sup>1</sup>-модда. Келишув битимини тузиш**

Келишув битими суднинг биринчи, апелляция, кассация инстанциялари суднинг маслаҳат хонасига киришидан аввал суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида, суд ҳужжати ижро этилишида тузилиши мумкин.

Келишув битими бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиши мумкин эмас.

Келишув битими суд томонидан тасдиқланади».

7. ФПКни қуйидаги мазмундаги моддалар билан тўлдириш лозим:

### **«169<sup>1</sup>-модда. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг аризаси бўйича суд томонидан келишув битими ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

агар келишув битимида учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши назарда тутилган шартлар мавжуд бўлса;

қонунчиликда назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги бошқа асослари мавжуд бўлганда.

### **169<sup>2</sup>-модда. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари**

Келишувни ҳақиқий эмас деб топиш иш юритишни қайтадан бошлаш учун асос бўлади. Суд иш юритишни қайта бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унинг устидан шикоят бериш (протест киритиш) мумкин”.

### **169<sup>3</sup>-модда. Низони (келишмовчиликни) медиация тартибида ҳал қилиш**

Тарафлар биринчи, апелляция, кассация инстанцияси судларида суд маслаҳат хонасига киришидан аввал низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

Тарафларнинг низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисидаги илтимоснома, агар бу қўшимча процессуал ҳаракатлар ва ишни вақтинча тўхтатишни талаб қилмаса, кассация тартибида берилиши мумкин. Кассация инстанцияси судида илтимоснома билан бир вақтнинг ўзида, тарафлар низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал қилиш тўғрисида келишувни тақдим этиши керак.

Медиацияни ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома медиатор томонидан берилганда ҳамда биринчи ва апелляция инстанциялари судларига тарафлар томонидан медиатор билан тузилган шартнома тақдим этилганда, иш бўйича юритиш ушбу Кодекснинг 116-моддасига мувофиқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча тўхтатиб турилади.

Биринчи ёки апелляция суди судьяси томонидан медиацияни ўтказиш тўғрисида илтимоснома берилган тақдирда, суд ушбу Кодекснинг 116-моддасига мувофиқ ишни олтмиш кундан кўп бўлмаган муддатга вақтинча тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Биринчи инстанция судида медиацияни ўтказиш учун иш бошқа судьяга ўтказилади.

Тарафларнинг илтимосига мувофиқ медиация иш юритувида бўлган судья томонидан ўтказилиши мумкин.

Апелляция инстанциясида медиация ўтказиш учун иш, қоида тариқасида, ҳайъат таркибидаги суднинг судьяларидан бирига ўтказилади.

Медиацияни ўтказадиган судья медиацияни ўтказиш кунини тайинлайди ва уни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида томонларга хабар беради. Судда медиация Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва ушбу Кодексда белгиланган хусусиятларга мувофиқ амалга оширилади.

Томонларнинг илтимосномасига биноан суд медиация тартибини ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатга кечиктириш ва агар уларнинг

иштироки низо (келишмовчилик)ни ҳал қилишга кўмаклашса, бошқа шахсларни медиацияга чакиртиришга ҳақли.

Судда медиацияни ўтказиш баённомаси юритилмайди.

Агар низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида битим суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган бўлса, у суд ҳужжати ижро этиладиган жойдаги биринчи инстанция судига ёки ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга тасдиқлаш учун тақдим этилади.

**169<sup>4</sup>-модда. Низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида битим ва уни ижро этиш**

Иш юритувида бўлган судья (суд таркиби) низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида битимнинг мазмунини текширади ва уни тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида битим, ушбу битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни ва ушбу Кодекснинг 167, 168-моддалари талабларига жавоб бериши лозим.

Агар тарафлар медиация тартибида келишувга эришмаган бўлсалар ёки келишув шартлари суд томонидан тасдиқланмаган бўлса, иш бўйича муҳокама умумий тартибда олиб борилади.

Суд томонидан тасдиқланган низо (келишмовчилик)ни медиация тартибида ҳал этиш тўғрисида битимни ижро этиш ушбу Кодекснинг 168<sup>1</sup>-моддасида белгиланган келишув битимини ижро этиш қоидалари бўйича амалга оширилади.

**169<sup>5</sup>-модда. Низони партисипатив тартибда ҳал қилиш**

Тарафлар суд маслаҳат хонасига киришидан аввал ушбу Кодекснинг 166-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, низони партисипатив тартибда ҳал қилиш тўғрисида илтимосномани киритишга ҳақлидир.

Партисипатив тартиб судьянинг иштироқисиз, тарафлар ўртасида ҳар икки тараф адвокатлари ёрдамида музокараларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**169<sup>6</sup>-модда. Низони партисипатив тартибда ҳал қилиш тўғрисидаги битим ва уни ижро этиш**

Иш юритувида бўлган судья (суд таркиби), низони партисипатив тартибда ҳал қилиш тўғрисидаги битимнинг мазмунини текширади ва ушбу Кодекснинг 124-моддасига мувофиқ уни тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Низони партисипатив тартибида ҳал қилиш тўғрисидаги битим, битимни тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим ушбу Кодекснинг 167 ва 168-моддалари талабларига жавоб бериши керак.

Агар тарафлар партисипатив тартибда келишувга эришмаган ёки келишув шартлари суд томонидан тасдиқланмаган бўлса, иш бўйича муҳокама умумий тартибда олиб борилади.

Суд томонидан тасдиқланган низони партисипатив тартибида ҳал қилиш тўғрисидаги битимни ижро этиш ушбу Кодекснинг 168-моддасида белгиланган келишув битимини ижро этиш қоидалари бўйича амалга оширилади».

8. Хорижий мамлакатларнинг қонунчилик амалиётидан келиб чиқиб,

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги «Медиация тўғрисида»ги ЎРҚ–482-сон Қонунига қуйидаги мазмундаги **15<sup>1</sup>-модда** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**«15<sup>1</sup>-модда. Мажбурий медиация**

Мажбурий медиация қуйидаги асосларда амалга оширилади:

мулкӣ-ҳуқуқӣ низолар бўйича, бунда уларнинг предмети пул кўринишида юридик шахслар учун йигирма, фуқароларга нисбатан эса – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ошмаслиги шарт;

қўшнилар ўртасидаги низолар бўйича;

шаъни ва кадр-қиммати ҳимоя қилиш бўйича, агар қонун бузилиши ҳолатлари матбуотда ёки раидоэфир орқали қилинган бўлмаса;

фуқаролик, оилавий, меҳнат, уй-жой, ер ва бошқа ҳуқуқӣ муносабатлардан келиб чиқадиган низолар».

8. Хорижий мамлакатларнинг қонунчилик амалиётидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги «Медиация тўғрисида»ги ЎРҚ–482-сон Қонунига қуйидаги мазмундаги **29<sup>1</sup>-модда** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**«29<sup>1</sup>-модда. Медиация битимининг ҳуқуқӣ оқибатлари**

Фуқаролик муносабатларидан келиб чиққан низо бўйича тарафлар ўртасидаги низо ни судга ёки арбитраж судига юбормасдан амалга оширилган медиация таомили натижасида эришилган медиация битими, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқӣ битим ҳисобланади. Бундай битимга нисбатан фуқаролик қонунчилигининг компенсация, новация, қарздан воз кечиш, бир турдаги талаб бўйича қарши даъво ни қоплаш ва зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши мумкин. Медиация битимини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган усуллар орқали амалга оширилади».

**III. Суд амалиёти бўйича таклифлар**

Фуқаролик судлари томонидан ярашув тартиб-таомилларни қўллашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик судлари томонидан ярашув тартиб-таомилларини қўллашда процессуал қонунчилик нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорини қабул қилиш таклиф этилади.

**THE SCIENTIFIC COUNCIL UNDER THE SCIENTIFIC COUNCIL  
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 AT THE TASHKENT STATE UNIVERSITY  
OF LAW**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

**YESSENBKOVA PATIMA TANIRBERGENKYZY**

**CONCILIATION PROCEDURES IN CIVIL PROCEEDINGS OF  
UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN**

12.00.04 – Civil procedural law. Economic procedural law  
Arbitration procedure and mediation

**ABSTRACT**  
**of doctoral (Doctor of Philosophy) dissertation on legal sciences**

**Tashkent – 2020**

**The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) is registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number № B2019.3.PhD/Yu307.**

The doctoral dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Russian, Uzbek and English (summary)) on the website of website of Scientific council ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) and Information educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific supervisor:**

**Ruzinazarov Shukhrat Nuraliyevich**  
Doctor of Science in Law, professor

**Official opponents:**

**Umarov Tolibjon Abduazizovich**  
Doctor of Science in Law, associate professor

**Rakhmonkulova Nilufar Khodjiakbarovna**  
Doctor of Science in Law, associate professor

**The leading organization:**

**Lawyers Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on April, 3<sup>rd</sup>, 2020 at 10:00 at the session of the Scientific Council under the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgokh street, 35 Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

The doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No. 916), (Address: 100047, Tashkent city, A. Timur street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

Abstract of the dissertation submitted on March, 18<sup>th</sup>, 2020.

(Registry protocol № 19 from March, 18<sup>th</sup>, 2020.

**I.R. Rustambekov**

Chairman of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, t.a. professor

**D.Yu. Khabibullayev**

Scientific Secretary of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, professor

**N.F. Imomov**

Chairman of Scientific Seminar under Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor



## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim of the research** is to study the theoretical and practical legal problems of introducing conciliation procedures in civil proceedings, to develop the basis for reconciliation of the parties by the court in the framework of a case in a civil court, to prepare proposals for improving the legislation and practice of its application.

**The object of the research** is social relationships that develop in the sphere of organizing and applying conciliation procedures as an independent method of resolving legal disputes, as well as in its integration into the activities of civil jurisdiction bodies.

**The scientific novelty** of the research is as follows:

the necessity of introducing the Institute of conciliation procedures in civil procedure legislation is justified;

it is proved that it is necessary to fix the court's obligation to take measures to reconcile the parties, to assist them in resolving the dispute at all stages of civil proceedings;

the necessity of concluding settlement and mediation agreements in writing at any stage of legal proceedings and execution of judicial acts, as well as their approval by the court, is justified;

it is proved that the proceedings on the dissolution of marriage between spouses can be adjourned several times;

the need for the court to consider the issue of reducing the period provided for reconciliation of spouses, with the notification of the spouses, is justified.

**Implementation of research results.** Based on the scientific results of research on the issues conciliation procedures in civil proceedings in Uzbekistan and Kazakhstan:

the proposal was reflected in the renaming of the new Chapter 17 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2205 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves to legislate the concept of conciliation procedures in the civil procedure legislation of the Republic of Uzbekistan;

the suggestion that the court takes measures to reconcile the parties and assist them in settling the dispute at all stages of civil proceedings is reflected in part one of article 166 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2205 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves to consolidate the court's obligation to apply measures to reconcile the parties to the dispute in civil proceedings;

suggestions that a settlement agreement or mediation agreement can be concluded in any case of claim proceedings, their written form, and approval by the court are reflected in parts two to six of article 166 of the Civil procedure code of the Republic of Uzbekistan (act № 06-14/2205 of the Committee on judicial-legal issues and anti-corruption of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019). This proposal serves as a legal regulation for

the conclusion, approval of a settlement and mediation agreement;

the suggestion that the adjournment of proceedings for the purpose of reconciliation of spouses within a six-month period may be repeated is reflected in paragraph 15 of the resolution of the Plenum of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan of 20 July 2011 № 6 «On the practice of applying the law by courts in cases of divorce» (act of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2019 № PL-69-19). This proposal serves to increase the effectiveness of the court's measures to reconcile spouses;

the suggestion that the issue of reducing the time allowed for reconciliation is considered in a court session with notification of the parties and making a determination is reflected in paragraph 15 of the resolution of the Plenum of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan № 6 of 20 July 2011 «On the practice of applying the law by courts in cases of divorce» (act of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2019 № PL-69-19). This proposal serves as a comprehensive and fair resolution of divorce cases.

**The structure and volume of the dissertation.** The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, list of references and applications. The total volume of dissertation is 135 pages.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; I part)**

1. Есенбекова П.Т. Понятие и сущность примирительных процедур в Узбекистане и Казахстане. Монография. Т: ТГЮУ. – 148 с.

2. Есенбекова П.Т. Понятие и сущность примирительных процедур в системе альтернативных способов разрешения споров в гражданском процессе // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Обзор законодательства Узбекистан – Uzbekistan law review // 2019, № 2. – С. 28–33. (12.00.00 №9).

3. Yessenbekova P.T. The essence of conciliation procedures in the system of alternative dispute resolution in civil proceedings // Вестник юридических наук // 2019, № 1. – Р. 35–41. (12.00.00 №20).

4. Есенбекова П.Т. Теоретические и практические вопросы заключения мирового соглашения в гражданском производстве Республики Узбекистан и Республики Казахстан // Одил судлов – Правосудие // 2019, № 4. – С. 109–115. (12.00.00 №3).

5. Yessenbekova P.T. Participative procedure: one of the types of conciliative procedures in civil procedure // Religacion // 2019, Junio № 16, VOL 4. – Р. 692–697. (Web of science)

6. Yessenbekova P.T. Classification criteria and types of conciliation procedures under the legislation of Uzbekistan and Kazakhstan // International conference of Industrial Technologies and Engineering // International Conference proceedings // Shymkent, Kazakhstan, 2019 – Р. 107–111.

7. Есенбекова П.Т. Азаматтық процесстегі татуластыру рәсімдерінің түсінігі // Сборник статей по материалам Международной научно-практической конференции «Ауэзовские чтения – 17: Новые импульсы науки и духовности в мировом пространстве». Шымкент, Казахстан, 2019. – С. 215–219.

8. Есенбекова П.Т. Переговоры как одна из форм примирительных процедур в гражданском процессе. «XXI асрда илм-фан тараққийтининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни» мавзусидаги Республика-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2019 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2019. – С. 37–39.

9. Есенбекова П.Т. Статус медиатора при проведении процедуры медиации. «XXI асрда илм-фан тараққийтининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни» мавзусидаги Республика-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 декабрь 2019 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2019. – С. 15–17.

## II бўлим (II часть; II part)

10. Есенбекова П.Т. Сущность примирительных процедур в системе альтернативных способов разрешения споров в гражданском процессе // Сборник статей по материалам XV Международной научно-практической конференции. Уфа, Российская Федерация, 2019. – С. 182–198.

11. Есенбекова П.Т. Исторические этапы и эволюция законодательства о примирительных процедурах // Хуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований // Journal of Law Research, 2018, № 12. – С. 87–112 (12.00.00 № 19).

12. Есенбекова П.Т. Принципы института медиации в гражданском судопроизводстве. Интеллектуал мулк хуқуқининг долзарб муаммолари / хорижий экспертлар иштирокида (видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Т: ТДЮУ, 2020. – С. 287–294.







Автореферат «Юридик фанлар ахборотномаси» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 04.03.2020.  
Бичими: 60x84 1/8. «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 3. Адади:100.  
Буюртма: № 14  
100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»  
босмаҳонасида чоп этилди.